

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМАЗИЯТОВ ДОНИЁРБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИМПИА БИЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик–2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мамазиятов Дониёрбек Бахтиёрович

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида
олимпия билимларининг илмий-услубий асослари.....3

Мамазиятов Дониёрбек Бахтиёрович

Научно-методические основы олимпийских знаний в системе подготовки
специалистов по физической культуре и спорту.....27

Mamaziyatov Doniyorbek Baxtiyorovich

Scientific and methodological basis of olympic knowledge in the system of
training of specialists in physical education and sports.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМАЗИЯТОВ ДОНИЁРБЕК БАХТИЯРОВИЧ

**ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАРНИ
ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА ОЛИМПИА БИЛИМЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Ped452 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд Давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда [ўзбек, рус, инглиз (резюме)] Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида www.uz-djtsu.uz ҳамда “ZiyoNET” ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акрамов Жасур Анварович
педогогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Керимов Фикрат Азизович
педогогика фанлари доктори, профессор

Азизов Носиржон Нематиллаевич
педогогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч Давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03.30.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” “_____” соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй.Тел.: (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76, веб-сайт: www.uz-djti.uz, email: uzdjstu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел (0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76,

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2021 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д (PhD), доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ўринбосари
п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда замонавий ёшлар Олимпия ҳаракатининг хусусиятлари, унинг кадриятлари ва анъаналарини билишлари учун Олимпия билимларини шакллантиришга катта аҳамият берилмоқда. Бугунги кунда ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спорт билан тизимли шуғулланишга бўлган қизиқишни оширишга ёрдам берадиган Олимпизм ғояларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Олимпия билимларини шакллантиришнинг асосий муаммоларидан бири – бу, мамлакат аҳолисини жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишининг тобора ўсиб бориши билан жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг олимпия ҳаракати асослари бўйича билимларини қониқарсиз даражада эканлиги ўртасидаги зиддиятдир. Бу масаланинг ҳал қилиниши жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш сифатини оширади.

Бугунги кунда, жаҳонда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари ўртасида Олимпия билимларини шакллантиришни такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Олимпия таълимининг услубий ва ғоявий-назарий асосларини очиб бериш, Олимпия таълимини ташкил этиш шакллари, воситалари, усуллари, унинг ўзига хос дастурлари ва кадрлар тайёрлаш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олимпия таълими масалалари халқаро олимпия конгресслари, илмий конференциялар, симпозиумлар ва семинарларда фаол муҳокама қилинмоқда. Олимпия билимларини шакллантириш муаммоларига бағишланган кўплаб хорижий тадқиқотлар тизимли характерга эга эмас, шунинг учун тўпланган билимларни тизимлаштириш ва унинг асосида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида яхлит ёндошувни ривожлантириш зарур.

Республикамизда ҳам жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимларидан фойдаланиш масалалари тадқиқот объекти ҳисобланади. Олимлар ва мутахассислар томонидан катта миқдордаги хилма хил далиллар, ғоялар ва назариялар тўпланган бўлиб, уларни структураси ва мазмуни бўйича тавсифлаш, Олимпия ҳаракати соҳасидаги ягона билимлар дастурига тизимлаштириш зарур. Қўйилган муаммоларнинг илмий таҳлили Олимпия билимларини шакллантиришнинг методологик асосларини бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида аниқлаштириш имконини беради. Ҳозирги кунда, мамлакатимизда «юксак маданиятга эга бўлган ҳар тамонлама етук ҳамда жисмонан соғлом инсонни шакллантириш мақсадида шахсни тарбиялашга, инсоннинг жисмоний имкониятларини ривожлантиришга, унинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасида малака ва билимларини орттиришга қаратилган жараён»¹ муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ394-сон

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ394-сон «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонуни Lex.uz.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги Қонуни, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сон «Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368 сон «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал қилишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши бўйича устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимидаги Олимпия билимлари бир томондан, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларининг ортиб бораётгани, иккинчи томондан эса, Олимпия ғоялари ва кадриятларини билиш даражасининг пастлиги ўртасидага объектив қарама-қаршиликларни бартараф этишга қаратилган. Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар жуда долзарб ва амалда бир неча йиллардан буён бизнинг мамлакатимизда ва хорижда амалга оширилмоқда.

Талабалар ўртасида Олимпия билимларини шакллантириш муаммоси М.Б.Антипованинг маълумотларига кўра, Олимпия таълими курсини чуқурроқ ўргатиш орқали ҳал қилиниши мумкин.² Ўқувчи-ёшларнинг Олимпия таълими мавзусини ишлаб чиқиш масаласига В.Столяров ва И.В.Баринава каби олимлар асосли ёндошганлар.³ Улар, Олимпия ҳаракати доирасида жисмоний тарбия мутахассиси фаолиятининг назарияси ва амалиётининг амалда татбиқ этилишини талабалар билимининг шаклланишини ўз ичига олган ўзига хос тизим сифатида кўриб чиққанлар.

Н.В.Печерский ва А.А.Сучилин, В.Н.Платонов каби муаллифларнинг фикрига кўра, асосий муаммо, бугунги кунда олимпия билимларини

² Антипова М.В. Олимпийское образование как компонент государственного стандарта в профильной средней школе //Материалы VII Международного конгресса «Современный олимпийский спорт и спорт для всех». – М. Том . 2003. – С. 61-62.

³ Столяров В.И. Актуальные проблемы теории и практики олимпийского образования детей и молодежи //Физическая культура: воспитание, образование, тренировка, №4 1998.- С.13-20. Баринава И.В. Состояние и пути совершенствования олимпийского образования и воспитания учащейся молодежи: Автореф.канд.дисс. – М., 1994. – 23 с.

педагогик воситалар, усуллар ва технологиялар тизими сифатида шакллантиришнинг методологик асослари, уни ижтимоий институт сифатида тушунишнинг назарий ва услубий масалалари ишлаб чиқилмаганлигидадир.⁴

Бугунги кунда, мамлакатимиз мутахассислари О.В.Гончарова, Л.А.Джалилова Д.Х.Умаров, Б.У. Бадалова, Г.Р.Асатовалар тамонидан бир қатор пухта ишлаб чиқилган ўқув-услубий қўлланмалар мавжуд.⁵ Бироқ, улар кичик нашрга эга бўлганлиги сабабли талабаларнинг кенг доираси учун етарли эмас.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш масаласини такомиллаштириш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш зарур:

аҳолининг турли қатламлари ва айниқса, талаба ёшлар ўртасида олимпия билимларини шакллантириш;

олимпия билимларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

оммавий ахборот воситалари билан ишлаш усулларини такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш муаммосини илмий-услубий таъминотини такомиллаштириш.

Юқорида келтирилган таҳлилий материаллар жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизими билан Олимпия билимларини шакллантириш бўйича тадқиқот учун танланган йўналишнинг долзарблигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети илмий тадқиқот ишлари режасининг V-12/2 «Жисмоний тарбия ва спортнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш, уни янгилаш маҳорати ва стратегияси» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг №-2017-1-14/2 сонли инновацион лойиҳа: «Ўқувчи ёшлар учун олимпия таълимининг самарали тизимини яратиш» мавзуси бўйича амалга оширилди.

Тадқиқотнинг мақсади жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимларини шакллантириш ҳамда такомиллаштириш

⁴ Сучилин А.А. Олимпийское образование / А. А. Сучилин, Н. В. Печерский. – Волгоград: «Принт», 2001. - 426 с.; Платонов В.Н. Общая теория подготовки спортсменов в олимпийском спорте. – Киев: Олимпийская литература, 1997. – 584 с.

⁵ Гончарова О.В., Джалилова Л.А., Умаров Д.Х., Бадалова Б.У. Olimpiya bilim asoslari. Umumta'lim maktablari uchun darslik. – Т.: «Ilmiy–texnika axboroti – press nashriyoti», 2018.- 200 б., Джалилова Л.А. Olimpiya harakati tarixi. Jismoniy tarbiya va sport universiteti, pedagogika institutlari Jismoniy tarbiya fakultetlari uchun darslik. – Т.: «Ilmiy–texnika axboroti – press nashriyoti», 2018.-315 б.; Асатова Г.Р. История современного олимпийского движения. Учебное пособие. – Т.: Илмий-техника ахбороти – пресс нашриёти. 2018.-200 с.; Асатова Г.Р., Хаётов А.Х., Нариманов Б.А. Халқаро спорт ҳуқуқи асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Илмий-техника ахбороти – пресс нашриёти, 2018. – 140 б.; Жалилова Л.А. Ўзбекистон тарихи Олимпия ҳаракатлари. Жисмоний тарбия ва спорт университети, муаллим институтлари Жисмоний тарбия факультетлари учун дарслик. – Т., 2018.– 315 б.; Асатова Г.Р. Замоनावий Олимпия ҳаракати тарихи. Дарслик. – Т.: Фан-технология бюллетенлари-матбуот нашриёти, 2018.-200 б.; Асатова Г.Р., Хаётов Х., Нармонов Б.А. Халқаро спорт ҳуқуқи асослари.– Т.: Фан-технология бюллетенлари-матбуот нашриёти, 2018. – 140 б.;

бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олимпия билимларини шакллантиришда муаммолар ечимини топишнинг таълим мазмунидан келиб чиқиб Олимпия таълимнинг уч босқичли миллий модулини ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш ишларининг турли шакллари ва мазмунини ишлаб чиқиш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш тартибини ишлаб чиқиш ҳамда талабаларнинг ўзлаштириш талабларини такомиллаштириш;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда илғор педагогик технологияларни қўллаган ҳолда жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига таъсир этиш хусусиятларидан келиб чиқиб Олимпия билимларини шакллантириш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Самарқанд Давлат университети жисмоний маданият факультетида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимларини шакллантириш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимининг мазмуни ва тузилиши.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатишлар, анкета-сўровнома, педагогик тестлар, педагогик тажрибалар, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бора Олимпия билимларини шакллантиришда муаммолар ечимини топишнинг таълим мазмунидан келиб чиқиб Олимпия таълимини уч босқичли миллий модули ишлаб чиқилган;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантиришнинг асосий иш шакллари ва усуллари бўйича Олимпия таълим тизими такомиллаштирилган;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда машғулотларнинг амалий тажрибасидан келиб чиқиб, қобилиятларни ривожлантириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Олимпия таълимини баҳолаш тизими такомиллаштирилган;

олимпия таълими бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг жисмоний ривожланиши ва жисмоний тайёргарлиги даражасига таъсир этиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Олимпия билимларини шакллантириш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш бўйича викторина тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича услубий тавсиялар, Самарқанд Давлат университети талабалари ўртасида Олимпия ҳаракати билимдонлари танлови, Жисмоний тарбия мутахассислиги бўйича олий ўқув юртлари талабалари учун “Жисмоний тарбия

ва Олимпия ҳаракати тарихи” фанидан маърузалар мазмуни ва семинар режаларининг тажрибавий дастури ишлаб чиқилган;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган тажрибавий дастурдан аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ўртасида семинарлар ташкил қилиш ва ўтказишда фойдаланиш мумкин. Диссертация тадқиқотининг амалий натижаларини олий таълим муассасаларида маъруза ва семинар машғулотлари ўтказишда ҳамда жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари малакасини ошириш курсларида қўллаш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий нуқтаи назарлари, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги, қўлланилган тадқиқот услублари мажмуалари тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келиши, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги ва талқин этилганлиги, тадқиқот натижалари математик статистика услублари ёрдамида ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда аҳолининг турли қатламлари учун Олимпия билимларини шакллантириш бўйича таъвсиялар ва таклифлар такомиллаштирилган. Социологик тадқиқотлар натижасида дунёда Олимпия ҳаракатининг юқори даражада ривожланиши ва жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари ҳамда талаба ёшлар ўртасида олимпизм тарихи ва асосларини паст даражада билиш ўртасидаги зиддиятлар аниқланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки талабалар фаолиятининг корреляцион таҳлили ёрдамида «Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи» фанини университет ўқув дастурининг бошқа фанлари билан ўзаро алоқасини аниқлаш асосида, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда Олимпия билимларини ривожлантириш бўйича ишларнинг шакллари ва мазмуни, шу жумладан, талабалар билан ишлашнинг ўн учта шакли ва мазмунлари ишлаб чиқилди ҳамда синовдан ўтказилди. Тадқиқотнинг асосий натижаларидан талабаларнинг турли контингентлари билан Олимпия билимларини шакллантириш курсларини ташкил қилишда ва ўқув-услубий мажмуалар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

олимпия билимларини шакллантиришда муоммалар ечимини топишнинг янги уч босқичли модули бўйича таклифлар «Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи» номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд Давлат университетининг 2020 йил 28 август 1-сонли қарорига асосан 206-рақамли гувоҳномаси) натижада Олимпия билимларини шакллантириш имконияти 17%

ошган;

олимпия билимларини шакллантиришнинг асосий иш шакллари ва усуллари, рақиб даражаси ва мусобақалашуш хусусиятидан келиб чиқиб машғулотларни ташкил қилиш бўйича Олимпия таълим тизими «Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи» фани мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 03-07-10-5348-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари 13,4% га ва давомати 14,3% га ошган;

жисмоний тарбия ва спорт бўйича бўлажак мутахассисларда Олимпия билимларини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган машғулотларни ташкил қилиш бўйича Олимпия билимларини баҳолаш тизими жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлашда ўқув жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 03-07-10-5348-сонли маълумотномаси). Натижада, талабаларнинг Олимпизм кадриятлари ва Олимпия ўйинларининг ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисидаги билимлари 13,8% га ошган;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида мутахассисларни тайёрлаш тизимида олимпия билимларини шакллантириш дастури ишлаб чиқилиб, семинар-тренингларни ташкил қилиш ва ўтказиш услубиятлари жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 17 декабрдаги 03-07-10-5348-сонли маълумотномаси) натижасида “Олимпия ўйинлари тарихи” (13,8%), «Халқаро Олимпия Қўмитасини допингга қарши сиёсати» (14,5%), “Замонавий Олимпия ўйинлари” (12,8%) мавзулари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари жами 9 та, жумладан, 3 та халқаро, 6 республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда абрабациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 дан ортиқ илмий-услубий иш, шу жумладан, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ўқув-услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга таъвсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола (2 та республика ва 3 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 120 саҳифа матн, 13 та расм, 4 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асосланиб берилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, унда хориж ва Ватанимиз олимларининг тадқиқотлари натижалари ёритилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Бажарилган ишни республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқот янгилиги очиб

берилган, амалга оширилган тадқиқотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги исботланган. Бажарилган тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шакллантирилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш шакллари кўрсатилган, чоп этилган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши борасидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш ва Олимпия таълимининг моҳияти”** деб номланган биринчи бобида бир қатор маҳаллий ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш асосида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар ва талаба ёшларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини шакллантириш хусусиятлари очиқ берилган. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Олимпия билимларини шакллантириш муаммоси, бошқа ҳар қандай ўқув фани сингари, тадқиқот фаолиятига таянмасдан ривожланмайди, бу эса, мавзунинг хусусиятларини ва унинг ҳозирги ҳолатини очиқ беришга имкон беради. Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида илмий тадқиқотларнинг қуйидаги йўналишлари аниқланди:

Олимпия ўйинларининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш, аҳолининг турли қатламлари учун Олимпия ҳаракатини ривожлантириш ва Олимпия таълими муаммоларини ўрганиш.

жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислар ўртасида Олимпия билимларини шакллантириш асослари бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Олимпия билимларининг бошқа ўқув фанлари қаторидаги ўрни ва аҳамиятини аниқлаш (педагогика, психология, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, тиббий ва биологик фанлар).

Хорижий муаллифлардан, Н.В.Печерский, И.В.Баринаова, М.М.Булатова, Л.И.Лубышева, Г.Ф.Петлеваный, Р.А.Пирожников, В.И.Столяров, Х.А.Самаранч кабилар ўтказган тадқиқотларида Олимпия билимларини шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз мутахассисларидан О.В.Гончарова, Г.Р.Асатова, Л.А.Джалилова., Д.Х. Умаров, Б.У.Бадаловалар тамонидан бир қатор ўқув ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар Олимпия билимларини шакллантириш муаммоси жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари учун илмий асослаш ва Олимпия таълимининг самарали дастурини ишлаб чиқиш ва уни тажрибавий асослашни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Тадқиқот жараёнининг услублари ва унинг ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари, илмий-услубий адабиёт маълумотларининг назарий таҳлили ва умумлаштириш, педагогик кузатув, анкета-сўров ўтказиш йўли билан жисмоний тарбия ўқитувчиларининг амалий тажрибасини таҳлили, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлили ва тадқиқотни ташкил қилиш баён этилган.

Тадқиқот уч босқичда ташкил этилди ва амалга оширилди:

Биринчи босқичда (2014-2015 йиллар) Олимпия таълимотининг келиб чиқиши ҳамда мавжуд маҳаллий ва хориж тажрибаларини ўрганиш мақсадида илмий–услубий адабиётлар маълумотлари, конференция ва сессия маълумотлари, бошқа илмий ишларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш; тадқиқотнинг асосий жиҳатларини аниқлаш; ушбу контингентда Олимпия таълимотининг амалий жиҳатдан зарурлигини аниқлаш мақсадида ўқувчилар ва жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт турлари бўйича мураббий-ўқитувчилар, Самарқанд Давлат университети талабалари ўртасида социологик тадқиқотлар олиб борилди;

Иккинчи босқичда (2016-2017 йиллар) Олимпия таълимининг моҳиятини илмий назарий ва ижтимоий-педагогик жиҳатдан ўрганиш; Олимпия таълими назарияси ва амалиёти ўртасидаги асосий муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, уни амалга оширишдаги асосий йўналишларни аниқлаш; бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчилари учун Олимпия таълимотини тажрибавий дастурини ишлаб чиқиш; Олимпия таълимотининг ишлаб чиқилган йўналиши ва шаклини самарали амалга оширишни асослашга қаратилган педагогик тажриба ташкил этилган ва ўтказилган.

Учинчи босқичда (2018-2019 йиллар) тадқиқот жараёнида олинган маълумотлар, уларнинг илмий-назарий изоҳлари ва кўрсатилган фаразлар ҳолати асослари умумлаштирилган, тадқиқотлардан олинган натижалар асосида хулосалар шакллантирилган ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия таълимининг мазмуни ва тузилишини тадқиқ этиш”** деб номланган учинчи бобида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашда Олимпия таълимининг тузилиши ва мазмуни ҳақида маълумот берилган. Талабалар ўртасида Олимпия ўйинларини ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига таъсири ўрганилган. Тадқиқот давомида ўтказилган анкета-сўровда 120 нафар талаба иштирок этган (70 нафари ўғил болалар ва 50 нафари қиз болалар), уларнинг ўртача ёши – 18-21 ёш. Анкета-сўровдаги саволларнинг биринчи ярми талабаларнинг қадимий ва замонавий Олимпия ўйинлари тарихидан хабардорлик даражасини аниқлашга қаратилди.

Анкета-сўров натижаларига кўра, қадимги ўйинларнинг пайдо бўлган жойи ҳақида талабаларнинг 40% билиши, ОАҚ (Осиё Олимпия Қўмитаси), ХОҚ (Халқаро Олимпия Қўмитаси), ЎзРМОҚ (Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия Қўмитаси) сўзларининг маъноларини 23% тушуниши, Олимпия рамзининг ташқи кўринишини ўғил ва қиз болаларнинг деярли ярми (мос равишда 60% ва 53%, жами – 57%) билиши аниқланди. «Москвада Олимпия ўйинлари қайси йили бўлиб ўтган?» деган саволга талабаларнинг 20%, «Рио Олимпиадаси қайси йили бўлиб ўтган?» деган саволга талабаларнинг 68% тўғри жавоб берган. Талабаларнинг қишқи Олимпия ўйинлари тўғрисидаги билимлар жуда паст даражада (ўғил болаларда – 16%, қиз болаларда эса – 13%) эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, талаба-ёшларнинг Олимпия ўйинлари,

Олимпия ҳаракати, уларнинг тарихи, мақсадлари, вазифалари, асосий ғоя ва қадриятлари тўғрисидаги билимларини тўлдириш ва кенгайтириш зарурати мавжуд бўлиб, ушбу мавзуларда, талабаларни ва Олимпия ўйинлари иштирокчилари бўлган спортчилар, терма жамоалар мураббийлари билан учрашувларини, семинар-тренингларни, давра суҳбатларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

«Олимпия ўйинларига сизнинг муносабатингиз қандай?» деган саволга респондентларнинг 80% Ватанидан ғурур туйғусини, хурсандчилик ва галабани ҳис қилишларини билдиришган. Талабаларнинг 25% спортга қизиқиши ва тизимли спорт билан шуғулланишга эҳтиёжи борлигини, Олимпия ўйинлари иштирокчилари бўлган спортчиларимизга ўхшаш иштиёқини билдиришган. Улар, кучли ва матонатли бўлишни, мақсадга эришиш ва у томон интилишни ўрганмоқдалар.

Тадқиқотлар натижасида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашда Олимпия билимларини шакллантириш модели ишлаб чиқилди. (1-андоза).

Олимпия таълимнинг уч босқичли модули

ўрта умумтаълим
мактаб ўқувчилари учун
мўлжалланган

олимпия захиралари
коллежлари ўқувчилари
учун

олий таълим
муассасасининг талаба
ёшлари учун

Модулнинг мақсади – олимпия таълимида саводлилиқни ошириш, олимпия ғоялари ва анъаналарига жалб қилиш ёшларда ўзини тута билиш маданиятини шакллантириш ва юксак ахлоқини тарбиялаш

-мактаб дастури асосидаги олимпия таълими. Бу жуда самарали ҳисобланади, бироқ қонунчилик асосининг йўқлиги сабабли кийин амалга ошириладиган механизм саналади.

-олимпия таълими бўйича кўшимча дарслар. Бу механизмни амалга оширишда баъзи тушунмовчиликлар юзага келади, яъни ким ва қайси соатлар ҳисобига бу ишни олиб боради, яна мактабда ўқувчилар, ўқитувчилар ўзларини ҳам ўқув дарслари кўплиги шароитида.

-олимпия таълимини фанлараро боғлиқлик орқали амалга ошириш. Бунинг учун болаларга олимпия таълимини бериш соҳасида билим, асос, ўқув ва кўникамага эга бўлган малакали мутахассислардан иборат жипсланган жамоа зарур.

-олимпия таълимини синфдан ташқари ишлар тизими орқали, жумладан, мактаб клуби ишининг элементи сифатида амалга ошириш.

-спорт мусобақалари қатнашчилари учун “адолатли ўйин” танловини ташкил этиш-

-спорт ҳақидаги тушунчалар,
--адолатли ўйин ҳақидаги тушунчалар - ўйин қоидаларига аниқ риоя қилиш;
-майдонда кўполлик қилмаслик;
-спортдаги рақибни табриқлаш;
-галаба ёки мағлубиятни рақиб устида мазах қилмасдан қабул қилиш;
-ўз хатоларини, ташқи кўринишини тан олиш; ҳакам қарорларини сўзсиз бажариш;

-жамоа олдида қабул қилинган мажбуриятларни ҳаққоний бажариш;
- техник унсурларини эстетика жиҳатидан бажариш;
-спорт мусобақалари вақтида фавқулотда вазият ҳолатларида ўз дўстлари ва рақибларига ёрдам кўрсатиш.

-таълим:

-интерфаол

-мусобақавий

- ижтимоий

-ижодий

-ифодалар

-кўнгилоҷар, қувноқ
дақиқалар ташкил этиш

-технологик

- ахборот

-ташқилий

-ижтимоий

-коммуникатив

-асосий (Волонтёрлик)

1-андоза. Олимпия таълимнинг уч босқичли модели

Кўриниб турибдики, Олимпия билимлари тизимининг етакчи таркибий қисми олимпия саводхонлигини иборат бўлган билим ва мафкуравий вазифалардир. Тақдим этилган моделда жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашда Олимпия билимларини ўргатиш дастури таклиф қилинган. Таклиф этилаётган модел мантиқий тузилиши ва мазмуни билан ажралиб туради, бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг шахсий маданияти даражасини оширишга қаратилган Олимпия хартиясининг тамойиллари ва қоидалари асосларига мос келади.

Биз тадқиқотларимиз давомида республикаимиз олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимидаги ўқув фан дастурларида “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фанини ўқитиш жараёнини таҳлил қилдик. Ушбу фан фақатгина маъруза ва семинар шаклида ўтказилиши маълум бўлди. Бу тарзда олиб бориладиган машғулот жараёнлари талабаларнинг Олимпия билимларини шакллантиришда етарлича самара бермаслиги аниқланди. Тадқиқот натижаларини инобатга олиб, биз тамонимиздан ишлаб чиқилган дастур мазмунига амалий машғулотларни киритиш таклиф этилди.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фани бўйича амалий машғулотларда Олимпия билимлари бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари талабаларда нисбатан юқори даражага кўтарилди. Шунингдек, бизнинг олиб борган тажрибавий дастуримиз, талабаларнинг жисмоний ҳолатининг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатиши аниқланди.

Талабалар ўртасида ўтказилган анкета-сўров маълумотлари асосида Олимпия таълимини шакллантиришнинг дастлабки даражаси таъвсифланди. Талабаларнинг илмий фаолиятини корреляцион таҳлил қилиш Олимпия билимларини шакллантириш жараёнида ўқув фанларининг аҳамиятини очиб берди (1 жадвал).

1-жадвал

Жисмоний маданият факультети ўқув режасидаги фанлар ва “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фани бўйича талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлиги

| Фанлар | Иштирокчилар контингенти | | Гуруҳлар тартиби |
|---|--------------------------|-----------------|------------------|
| | Қизлар (n=50) | Ўсмирлар (n=70) | |
| Танланган спорт турлари назарияси ва амалиёти | 0,688 | 0,695 | 1 |
| Жисмоний тарбия назарияси ва амалиёти | 0,613 | 0,638 | 1 |
| Жисмоний тарбия ва спорт менежменти | 0,651 | 0,639 | 1 |
| Психология ва спорт психологияси | 0,592 | 0,577 | 2 |
| Педагогика ва спорт педагогикаси | 0,525 | 0,510 | 2 |
| Фалсафа | 0,375 | 0,406 | 3 |
| Анатомия | 0,375 | 0,363 | 3 |
| Физиология ва спорт физиологияси | 0,430 | 0,334 | 3 |
| Спорт биомеханикаси | 0,326 | 0,285 | 4 |
| Спорт тиббиёти ва реабилитацияси | 0,262 | 0,266 | 4 |
| Спорт диетологияси ва фармакология | 0,270 | 0,268 | 4 |

Жадвалдан кўриниб турибдики “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фанидан талабалар фаолияти кўрсаткичларини ўқув дастурининг бошқа фанлари билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш, ушбу боғлиқликни фанларнинг кўпчилиги билан ижобийлигини кўрсатди. Корреляцион таҳлилдан сўнг ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, барча мавзулар турли хил алоқа даражасига қараб тўрт гуруҳга бўлинди.

Статистик таҳлилнинг кўрсатишича, ўғил болаларда «Танланган спорт тури назарияси ва методикаси» фани билан энг юқори корреляция мавжудлиги аниқланди. Бу кўрсаткич ўғил болаларда $r=0,695$, қизларда – $r=0,688$ ни ташкил қилди ва юқори корреляциялар мавжудлигини тавсифлайди. «Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси» ва «Жисмоний тарбия ва спортни бошқариш» фанлари билан ўртача ўзаро боғлиқлик қизларда – $r=0,613$ ва $r=0,651$, ўғил болаларда – $r=0,638$ ва $r=0,639$ ни ташкил қилди. Аниқланган кўрсаткичлар биринчи гуруҳ фанлари ўртасида ижобий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади. Иккинчи гуруҳ фанларида ҳам ўртача корреляциялар аниқланди – ўғил болалар учун $r=0,510$ - $r=0,477$, қиз болалар учун $r=0,525$ - $r=0,592$. Учинчи гуруҳда ўғил болаларда $r=0,406$ дан $r=0,334$ гача ва қизларда $r=0,430$ дан $r=0,375$ гача бўлган заиф корреляциялар аниқланди. Энг паст корреляциялар тўртинчи гуруҳ фанлари бўйича аниқланди. Бу ерда, боғлиқликнинг ўғил болаларда $r=0,285$ ва $r=0,266$, қизларда $r=0,326$ ва $r=0,262$ кўрсаткичлари аниқланган.

Шундай қилиб, ўқув режасидаги фанларнинг “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фани бўйича билимларнинг шаклланишига таъсир этиш хусусиятлари аниқланди.

Олий ўқув юртида ўқиш даврида талабаларнинг спорт маҳорати тузилмаси бирмунча ўзгарди; махсус тайёргарликнинг ўсиш анъанаси яққол кўзга ташланади. “Спорт устаси” унвонига эга спортчилар улуши анча ошди (ўғил болаларда- 14,9 %, қизларда-8,1%), айниқса I-спорт разряди меъёрини бажарган талабалар сони жиддий ўзгарди. “Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи” фани бўйича билимларни спорт маҳорати даражаси билан таққослаш ўзаро боғлиқлик борлигини кўрсатди; II ва III разряд талабларини бажарган талабалар энг юқори баҳолар олишган. Спорт усталари асосан сўнгги йиллардаги спорт ютуқлари билан боғлиқ бўлган материалларни яхши билишади, бироқ ўз спорт турларининг тарихий жиҳатлари тўғрисида етарли билимларга эга эмаслар.

Тадқиқот натижасида «Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи» фани ўқув дастурининг бошқа фанлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди. Юқори корреляциялар аниқланган 3 та фанни фаол ўрганаётган талабаларнинг давомати 92%ни ва ўзлаштириш кўрсаткичлари 89% ни ташкил қилди. Уларнинг жисмоний тарбия ва спорт бўйича амалий машғулотларга қизиқишлари ортди, талабаларнинг 76% турли спорт турлари бўйича ўз фаолиятини кучайтирган ва мунтазам равишда спорт тўғарақларига қатнай бошлаган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида ўқув дастури фанлари бўйича ўзаро боғлиқлик аниқланди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш учун Олимпия таълими тизими ишнинг турли шакл ва мазмунларининг жуда кенг доирасини ўз ичига олиши керак (2-жадвал).

2-жадвал

| № | Шакллар | Мазмуни |
|----|--|--|
| 1 | Таълим (Дидактик) | - маъруза, семинар, баҳслар, суҳбатлар, анжуманлар ва х.к.лар ўтказиш; |
| 2 | Интерфаол (Ривожлантирувчи) | - олимпия мавзуларида тадбирлар ўтказиш, спорт, Олимпия ўйинлари ва бошқалар ҳақида қизиқарли китоблар ёки фильмларни муҳокама қилиш; |
| 3 | Мусобақавий | -аълочи талабалар ўртасида “спортнинг энг аълочи талабаси” унвони учун мусобақалар ташкил этиш ва бошқалар; |
| 4 | Ижтимоий (Сезувчанлик) | - ўқиш, спорт ва ижтимоий фаолиятни муваффақиятли бирлаштирадиган талабалар учун фахрий кенгашларни ташкил этиш ва бошқалар; |
| 5 | Ижодий | - расмлар, фотосуръатлар ва бошқа танловларни ўтказиш; спорт ва Олимпия мавзуларидаги театрлаштирилган томошалар ва бошқалар; |
| 6 | Ифодали (Артистичные) | - “Олимпия ҚВЗ”, Олимпия кўни ва х.к.; |
| 7 | Кўнгилочар, кувноқ дақиқалар ташкил этиш | - стендлар, фотосуръатлар ва ҳаттоки, “Олимпия зали” ва шу кабиларни безатиш; |
| 8 | Технологик (дастуравий) | - олимпия рамзлари ва х.к.ларни тайёрлаш; |
| 9 | Ахборот (Билишга оид) | - фильмлар ва слайдлар, видеороликлар кўрсатиш; |
| 10 | Ташкилий | - олимпия музейларига ташриф буюриш; |
| 11 | Ижтимоий | -мактаб ўқувчилари, талабалар, Олимпия ҳаракати муаммолари билан қизиқувчи бошқа мамлакатлардан келган спортчилар билан ёзишмаларни ташкил этиш ва бошқалар; |
| 12 | Коммуникатив | - таниқли спортчилар, Олимпия ўйинлари иштирокчилари ва терма жамоалар мураббийлари билан учрашувлар; |
| 13 | Асосий (Волонтёрлик) | -спорт фахрийлари, собиқ олимпиадачиларга патронаж ёрдамни ташкил этиш ва бошқалар. |

2-жадвал. Олимпия таълим тизимини такомиллаштириш шакллари ва мазмуни

2-жадвалдан кўриниб турибдики, биз жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлашда олимпия билимларини шакллантиришда ишнинг ўн учта шакллари ва тегишли иш мазмуни аниқланди. Жадвалда ишларнинг қуйдаги 13 шакли ва мазмуни кўрсатилган: таълим, интерфаол, мусобақавий, ижтимоий, ижодий, ифодали, кўнгилочар, технологик, ахборот, ташкилий, ижтимоий, коммуникатив, асосий. Ушбу шаклларнинг ҳар бири учун аниқ иш мазмуни ишлаб чиқилди.

Илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва амалий тажриба ҳозирги кунга қадар кўплаб мутахассислар томонидан кўриб чиқилганлигига қарамасдан, Олимпия билимларини шакллантиришда ишнинг турли усуллари ва


мазмунларини акс эттирган ҳолда ҳажми ва мазмуни бўйича бирон бир тўлиқ ишланма тақдим этилмаган. Тадқиқот ишимизда биринчи маротаба Олимпия билимларини шакллантиришдаги ишларнинг турли усуллари ва мазмуни схематик тарзда тақдим этилди. Ишлаб чиқилган схема талабаларнинг жисмоний тарбия ва спортга бўлган қизиқишни шакллантиришга имкон берди, бу эса уларнинг ўрганилаётган фан бўйича билим сифатини 60% га ошишига ёрдам берди ($P < 0.05$).

Тадқиқотларимиз натижасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида Олимпия билимларини такомиллаштириш тизими ишлаб чиқилди.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизимида олимпия билимларини шакллантиришнинг олти асосий таркибий қисми аниқланди. Тадбирларни амалга оширишдан олдин Олимпия таълим йўналишларини, яъни: мотивацион ва амалий йўналишларни аниқлаш лозим.

Олимпия таълимини такомиллаштиришни мақсадга мувофиқ ташкил этиш учун асосий вазифаларни белгилаб олиш зарур: Олимпия қадриятлари ҳақида асосий билимларни шакллантириш, Олимпия ҳаракати, ватанпарварлик таълими асослари билан ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, соғлом турмуш тарзи ва допингга қарши кураш, ижтимоийлашув ва шахсни ривожлантириш, мулоқот қобилиятлари, танланган спортда амалий тажриба, спорт фаолияти ҳақида барқарор билимларни шакллантириш. Олимпия таълимини такомиллаштиришнинг асосий тадбирларидан бири таълим жараёнида замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш: ахборот ва мультимедиа технологиялари, «кичик гуруҳлар» технологиялари, табақалаштирилган ўқитиш технологиялари, муаммоли ўқитиш технологияси, коммуникация технологиялари, ўйин ва соғломлаштириш технологиялари, тест технологиялари ва ҳақозалар.

Бу чизмада Олимпия таълими сифатига таъсир этувчи асосий омиллар: ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминоти ҳолати, мутахассиснинг касбий маҳорати даражаси, талабаларнинг индивидуал хусусиятлари даражаси, мутахассис ва талабалар ўртасидаги педагогик ўзаро таъсир даражаси ёритиб берилган. Олимпия таълимида аудиториядан ташқари ишларни ташкил этиш ва ўтказиш ўқув машғулотида олинган билимларни мустаҳкамлаш учун катта аҳамиятга эга: стендлар, фото экранлар, веб-сайтлар, конференциялар, савол-жавоблар, Олимпия ўйинларига бағишланган китоблар ва фильмларни муҳокама қилиш, машҳур спортчилар ва мураббийлар билан учрашувлар, гуруҳ ва факультетда Олимпия ўйинлари таркибига киритилган спорт турлари бўйича мусобақаларни ташкил этиш ва ўтказиш. Юқоридаги барча тадбирлар самарали ишлаши учун Олимпия таълимини баҳолаш тизимидан фойдаланиш керак: қидирув тизимлари билан ишлаш қобилиятини баҳолаш, ахборот билан ишлаш қобилиятини баҳолаш, ахборот тақдим этиш қобилиятини баҳолаш. (2-андоза)



2-андоза. Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлашда Олимпия билимларини шакллантириш тизими

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш тизимида Олимпия таълимни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга асосланиб

ишлаб чиқилган методикани амалга ошириш натижасида «Жисмоний тарбия ва Олимпия ҳаракати тарихи» номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилди ва нашр этилди. У Самарқанд Давлат университети талабаларига ўқув жараёнида муваффақиятли қўлланмоқда. Талабаларнинг Олимпия билимларини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган тизим биринчи маротаба билимларнинг ўзлаштирилишини доимий равишда мониторинг қилиш имкониятини берди. Педагогик тажриба вақтида билим сифати ва ўқув кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди ($P < 0,05$). Биз томонимиздан ишлаб чиқилган ва 2 андозада келтирилган методикадан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги раҳбарлигида амалга оширилган «Ўқувчи ёшларда Олимпия таълимнинг самарали тизимини яратиш» инновацион лойиҳаси бўйича тадқиқотларда фойдаланилди. Тадқиқот натижалари асосида Олимпия таълими муаммолари бўйича услубий қўлланмалар ва илмий мақолалар тайёрланди.


